



“ 30 ” октябрь 20 18 у № 3

**2018 йил учун давлат статистика кузатуви  
шакллари тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунининг 5<sup>1</sup>-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрь 690-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2018 йил учун давлат статистика кузатуви шакллари 1-26-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 31 октябрдаги 17-сон “2017 йил учун давлат статистика кузатуви шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор 2018 йил 1 январдан кучга киради.

Раис

Б. Бегалов